

**Ёзма ишларда йўл қўйилган хатолар устида ишлашда педагогик
технологиялардан фойдаланиш
(5-синфда ўтказиладиган диктант назорат ишлари мисолида)**

Тил таълимида ёзма нутқ устида ишлаш оғзаки нутққа қараганда анча мураккаб жараёндир. Чунончи, бу нутқ турининг мураккаб табиати у имло, тиниш белгиларини ўринли қўллаш, фикрни услуб талабига мувофиқ баён қилинишидир. Ёзма нутқ ўқувчидан грамматик ва мазмун жиҳатидан тўғри жумла қуришни ҳар бир сўзни ўз ўрнида тўғри қўлланиши фикрни ихчам, изчил, ифодали услуб жиҳатидан содда ва равлон ифодалашни, баён қилинган фикр асосида хулосалар чиқаришни талаб этади. Сўзни тўғри ёзиш, тиниш белгиларини ўринли қўллаш, фикрни услуб талабига мувофиқ баён қилиш ўқувчидан катта масъулият талаб этади.

Маълумки, она тили таълимининг мақсади ва тузилишидан келиб чиқиб 5-синф ўқув дастурида назорат дарслари, жумладан, ҳар бир чоракда ўқув соатидан келиб чиқиб 6 тадан назорат ишлари белгиланган.

Ўқувчиларнинг имловий ва тиниш белгилари (пунктуатцион) саводхонлиги устидан назорат, асосан таълимий диктантлар, шунингдек баён ва иншолар орқали амалга оширилади. Ўқувчиларнинг ёзма ишларини ўқитувчи текширади, имловий, грамматик, тиниш белгиларига доир ва бошқа хил хатоларни тузатади, баҳо қўяди. Жумладан: диктантда учрайдиган хатоларнинг баъзилари айрим ўқувчиларгагина хос бўлиб, бу нарса орфографик-грамматик қоидаларни тушунмаганликдан, ёки уни унутганликдан келиб чиқади. Баъзи хатолар эса синфдаги умумий ўқувчиларга ёки кўпчилик ўқувчиларга хос бўлади. Хатолар устида ишлашда қуйидаги усуллардан фойдаланилса мақсадга мувофиқ.

1. Ўқитувчи диктантда йўл қўйилган хатоларнинг турларини аниқлайди ва унинг ёнига нечта ўқувчи қайси сўзларда хато ёзганини устун шаклида ёзиб белгилайди.

Ҳисобга олишнинг бу турида ўқитувчи қайси мавзу бўш ўзлаштирилган, қайси ўқувчи кўп мавзунини билмайди ёки унутган, қайси ўқувчиларнинг билими пухта ва асосли эканлигини қўйилган белгилар орқали аниқлаб олади. Хатоларни ҳисобга олишнинг бу усули фақат имло хатоларини эмас, тиниш белгиларига оид хатоларни ҳисобга олишга ҳам имкон беради.

Кузатишлар шунини кўрсатадики, ўқитувчилар диктантда йўл қўйилган хатоларни ўқувчиларнинг ўзларига ўтилган қоидаларни эслатиш йўли билан тузатириш, бу борада уларни ҳамкорликка чақириш усулига мурожаат этмайди. Айтмоқчимизки, хатолар устида ишлаш масаласида ҳамкорликдаги таълим жорий этилаётганича йўқ.

Ёзма ишлардаги хатоларни тузатишда педагогик технологиянинг метод ва усулларидан фойдаланиш самарали ҳисобланади. Жумладан, “Тушунчалар таҳлили” ҳамда “Блиц сўров” методларидан фойдаланишни қуйидагича ташкил қилса мақсадга мувофиқ. Аввало синф ўқувчиларига жадвалда берилган тушунчалар ҳавола этилади.

Намуна:

Тушунчалар	Тушунчалар таҳлили
И ва У унлисининг имлоси	
Ҳ ва х ҳарфининг имлоси	
Қатор келган унлилар имлоси	
Қатор келган ундошлар имлоси	
Жарангли ва жарангсиз (б-п,д-т,қ-ғ, г-к) ундошлар имлоси	
Тутук белгисининг қўлланилиши	
Бўғин кўчириш қоидалари	
Товушларнинг орттирилиши ва тушиб қолиши.	
Қўшимчалар имлоси (-нинг ўрнида -ни, -да ўрнида –га ни ишлатилиши ва ҳ.к)	
Қўшма, жуфт, такрорий сўзлар имлоси	
Ишора хатолари (вергул, нуктали вергул, икки нукта, кўп нукта, ундов, қўштирноқ, тире)	
Хат бошига риоя қилиш	

Бу тушунчалар асосан 5- синфда тилшуносликнинг изчил курси сифатида “Фонетика” ва “Грамматика” бўлими юзасидан сингдирилади.

Ҳар бир ўқувчи бу тушунчаларнинг мазмунини ёритадилар. Тушунчалар мазмунини тўғри ва тўлиқ ёзган ўқувчилар бир гуруҳга, тушунчалар таҳлилинини қисман ёритган ўқувчилар 2 гуруҳга ажратилади. Сўнгра ўқувчиларга иккинчи слайд кўрсатилади. Слайдда берилган фонетик ва грамматик қоидалар қайси мавзуларга мувофиқ эканлигини (+ --) ишоралари билан белгилайдилар.

Намуна:

Фонетик ва грамматик қоидалар	Мавзулар номи	Ишора (+, -)
Сўзларнинг биринчи бўғинида р, л ундошларидан олдин келган и унлиси билинар –билинмас талаффуз қилинса ҳам ёзувда и ҳарфи билан ёзилади.	Юкламалар	
-Сўз юкламалар ўзи қўшилаётган сўзга қўшиб ёки ундан чизиқча билан ажратиб ёзилади	Унлилар талаффузи ва имлоси	
-ми, -оқ (ёқ) юкламалари ўзи қўшилаётган сўз билан қўшиб ёзилади.		

Ўқитувчи ўқувчиларнинг жавобларини текширади. Белгиланган гуруҳ аъзоларининг ҳар бири ёзма ишларида йўл қўйган хатоларини қайси қоидага мувофиқ тузатилишини топиб, назорат иши дафтарларига шу қоидаларни ёзиб борадилар. Қайси гуруҳ ўз хатоларини тўғри тузатишга эришсалар ғолиб ҳисобланадилар.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, ўқитувчи ҳар бир диктант таҳлилинини ўтказишда ундан олдинги ёзма ишда ўқувчига қандай топшириқ берилганини ҳисобга олиши лозим. Ўқитувчи диктант таҳлили дарсларига тайёрланганда, қуйидагиларга амал қилиши мақсадга мувофиқ:

- ўқувчининг ёзма ишини сифатли текшириш;
- йўл қўйилган хатоларни гуруҳлаш, тиниш ва индивидуал хатолар устида ишлаш тизимини тузиб чиқиш;
- уйга бериладиган вазифани пухта ўйлаб, ўқувчи йўл қўйган хатосини бартараф этишга ёрдам беришни таъминлаш лозим.